

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«Химояга рухсат»
кафедра мудири
проф. А.Х.Нишанов

“___” _____ 2013 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: ДАК ҳисоботи ва баённомаларини шакллантирувчи дастур ишлаб
чиқиши

Битирувчи	_____	<u>Жамолова С.Й.</u>
	(имзо)	
Рахбар	_____	<u>Агзамходжаева М.Р.</u>
	(имзо)	
Рецензент	_____	<u>Мухамадиева Д.Т.</u>
	(имзо)	
ХФХ буйича маслаҳатчи	_____	<u>Кодиров Ф.М.</u>
	(имзо)	

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
1. ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ ВА БАЁННОМАЛАРИ.....	10
1.1. Давлат аттестацияси комиссияси ҳисоботи ва уни тайёрлаш тартиби....	10
1.2. Давлат аттестацияси комиссияси баённомаси.....	16
1.3. Масаланинг қўйилиши.....	25
2. ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ ВА БАЁННОМАСИНИ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР.....	26
2.1. PHP дастурлаш тили.....	26
2.2. MySQL маълумотлар базаси.....	29
3. ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ ВА БАЁННОМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ДАСТУР.....	35
3.1. Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастур тузилмаси.....	35
3.2. Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастурининг маълумотлар базасининг таркиби.....	35
3.3. Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастурдан фойдаланиш тартиби.....	38
4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	43
4.1. Ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигига заарар етиши ва иш берувчи масулияти. Умумий қоидалар.....	43
4.2. Техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш	
4.3. Фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш.....	49
4.4. Фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ёки содир бўлгандан ҳабар бериш ва алоқа воситалари. Эвакуация.....	50
ХУЛОСА.....	54
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	55
ИЛОВА	

МАЗМУННОМА

Бити्रув малакавий иши хозирги вақтда долзарб бўлган – Web технологиялари асосида Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу дастур Давлат аттестация комиссиясининг қунлик ва якуний ҳисоботини шакллантириб беради ва ҳар битириув малакавий ишлари ҳимояси кунлари котиба ёзадиган баённомаларни ҳар бир талаба учун шакллантириб беради.

Дастурдаги асосий кодлар PHP дастурлаш тилида ишланган ва дастур базаси MySQL маълумотлар базасида шакллантирилган.

АННОТАЦИЯ

Данная выпускная квалификационная работа посвящена на актуальной проблемы – на основе веб технологии разработат программу, который составляет отчет и протокол Государственной аттестационной комиссии.

Данная программа составляет ежедневний и итоговый отчет Государственной аттестационной комиссии и для каждого студента составляет протокол о защите выпускной квалификационной работы.

Основные коды программы разработана на языке программирование PHP ва база программы составлено на базы данных MySQL.

THE SUMMARY

This Graduate work is devoted to the actual problem - based on web technology razrabortat program, which prepares a report and the minutes of the State Certification Commission.

This program is daily and the final report of the State Certification Commission for each student prepare a protocol on the protection of final qualifying work.

The main program codes developed in the programming language PHP wa compiled on the basis of the program database MySQL.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 марта даги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730 сонли қарори, 2012 йил 1 февралдаги “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари Республикаизда ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётида, бу соҳадаги амалий-илмий ва фундаментал тадқиқотларини ривожлантиришда яна бир муҳим босқич бўлиб қолади. Президентимиз И.А.Каримов XXI асрни маънавий-маърифат асри, илм-фан маданият ва ахборот асри деб таърифлар экан, бу билан ҳозирги даврнинг муҳим белгиси ва хусусиятини ҳам белгилаб берганини пайқаб олиш қийин эмас.

Бугунги кунда ахборот технологиялари кириб бормаган бирор бир соҳани кўрсатиб ўтиш жуда мушкул. Айни вақтда илм-фан, техника тараққиётини инновацион технологиялар, мультимедияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда ушбу технологияларнинг таълим тизимига кириб келиши сезиларли ютуқларни вужудга келтирди. Бу эса ўз-ўзидан ҳам маънавий, ҳам моддий ютуқларга асос бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Бутун жаҳон инқирози ва унинг таъсирларини Ўзбекистонда бартараф этиш” номли дастурида таъкидланганидек, ҳаётимизнинг ҳар бир нуқтаси, жумладан таълим тизими ҳам ислоҳ қилиниб, билимли, етук кадрлар етиштириш кўзда титулган.

Тошкент ахборот технологиялари университети талabalарининг битириув малакавий ишлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 217 – рақамли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талabalari билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Муваққат Низом” ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1999 йил

31декабрдаги 362 – рақамли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом” асосида тартиб – қоидаларга биноан амалга оширилади.

Давлат Аттестация комиссияси институтнинг илмий-педагогик таркибидан, ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича мутахассисларга талабгор корхоналардан таклиф қилинган малакали мутахассислардан, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси тизимидағи ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тегишли муассасаси, корхона ва ташкилотлардан таниқли олимлар ва мутахассислардан ташкил этилади.

Бакалавр даражасини олиш учун университет битирувчиси томонидан тайёрланган битирув малакавий иш (БМИ), ўқув-тадқиқот характеридаги якуний иш ҳисобланган мазкур иш йўналиш бўйича талабанинг назарий билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда амалий билимларини чуқурлаштириш учун мўлжаллангандир. Шу билан бир қаторда талабанинг ўқиш даврида ҳосил бўлган ва шаклланган касбий фикрлаши, ўқув ва назарий билим кўникмаларини ифодалайди. Аниқ илмий муаммолари бўйича масалани қўйишда ва уни ечишда ҳамда илмий адабиётларни танқидий таҳлил этишда ва иш натижаларини ижодий мулоҳаза қилишини белгилайди.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) – олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Келтирилан маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, битирув малакавий иш мақсади аниқланди. Битирув малакавий иши мақсади – Давлат аттестация комиссияси ҳисботи ва баённомаларини шакллантирувчи дастур ишлаб чиқишидан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- Ишга керакли маълумотларни йиғиши;

- Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомалари тузулишини ўрганиш;
- РНР дастурлаш тили ва MySQL маълумотлар базаси ўрганиш;
- Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастурини тузилмасини ишлаб чиқиш;
- Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастурини ишлаб чиқиш.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Кириш қисмида мавзу долзарблиги, битирув малакавий иши мақсади ва вазифалари, ҳамда битирув малакавий ишининг тузилмаси келтирилган.

Биринчи бобда Давлат аттестацияси комиссияси ҳисоботи ва уни тайёрлаш тартиби, Давлат аттестацияси комиссияси баённомаси, Масаланинг қўйилиши берилган.

Иккинчи бобда ДАҚ ҳисоботи ва баённомаларини шакллантируvчи дастур ишлаб чиқиш учун фойданилган дастурий воситалар РНР дастурлаш тили ва MySQL маълумотлар базаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Учинчи боб асосий боб бўлиб, унда Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантируvчи дастур тузилмаси, Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантируvчи дастурининг маълумотлар базасининг таркиби ва Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантируvчи дастурдан фойдаланиш тартиби келтирилган.

Тўртинчи боб ҳаёт фаолияти хавфсизлигига бағишланган бўлиб, унда Техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш, ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигига зарар етиши ва иш берувчи масулияти, фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш ва фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ёки содир бўлганда ҳабар бериш ва алоқа воситалари ва эвакуация масалалари кўрилган.

Хулосада олинган асосий натижалар келтирилган.

Фойдаланилган адабиётларда битирув малакавий ишини бажариш давомида фойдаланилган адабиётлар рўйҳати келтирилган.

Иловада ахборот тизимининг листинглари келтирилган.

1. ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ ВА БАЁННОМАЛАРИ

1.1. Давлат аттестацияси комиссияси ҳисоботи ва уни тайёрлаш тартиби

Давлат Аттестация комиссияси институтнинг илмий-педагогик таркибидан, ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича мутахассисларга талабгор корхоналардан таклиф қилинган малакали мутахассислардан, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси тизимидағи ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тегишли муассасаси, корхона ва ташкилотлардан таниқли олимлар ва мутахассислардан ташкил этилади.

Бакалавр даражасини олиш учун университет битирувчиси томонидан тайёрланган битирув малакавий иш, ўкув-тадқиқот характеристидаги якуний иш ҳисобланган мазкур иш йўналиш бўйича талабанинг назарий билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда амалий билимларини чуқурлаштириш учун мўлжалланганандир. Шу билан бир қаторда талабанинг ўқиш даврида ҳосил бўлган ва шаклланган касбий фикрлаши, ўкув ва назарий билим кўнилмаларини ифодалайди. Аниқ илмий муаммолари бўйича масалани қўйишда ва уни ечишда ҳамда илмий адабиётларни танқидий таҳлил этишда ва иш натижаларини ижодий мулоҳаза қилишини белгилайди.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) – олий ўкув юрти бакалавриатида талabalарни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Малакавий ишни бажариш мақсади қуйидагилардан иборат:

- таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

- ижодий ишланиш, ишлаб чиқилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис этишга ўргатиш;
- замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлаш.

Иш натижаси ёки бу тадқиқот услубий бўйича олинган оригинал илмий натижалар, тажриба қурилмаларини ва ҳ.к. ифодалайди.

Битирув малакавий иши мавзулари кафедра томонидан таклиф этилади (берилади). Талабалар мавзуларни танлаб олишга ҳақлари бор. Талабанинг ўзи ҳам мавзуу таклиф этиши мумкин. Бу ҳолда масалани қўйилиши, уни долзарблиги ва зарурлигини асослаши лозим. Мавзулар ишлаб чиқариш амалиёти мавзулари ёки курс ишларини давоми бўлиши мумкин.

Мавзуу кафедра томонидан тасдиқланади, сўнгра деканат бўйича тақдимотга асосан университет ректори томонидан ишнинг мавзуси ва илмий раҳбар тасдиқланади.

Битирув малакавий иши ўқув режасида кўрсатилган муддатда бажарилади.

Ўқув режани ўз вақтида бажарган талабаларга битирув малакавий иши бажаришга рухсат этилади.

Барча битирув малакавий ишлар ҳимояси ўтгандан сўнг, Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи шакллантиради. Унинг кўриниши қўйидагича:

Тошкент ахборот технологиялари университети

бўйича

(йўналиш, мутахассислик) номи

якуний Давлат аттестациясининг 200__йилдаги иши

ҲИСОБОТИ

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 200 йил _____ сноли
ва университетнинг 200 йил _____ сонли буйруыларига асосан ДАК таркиби
- раис, _____

2. ДАК ўз ишини 200 йил « » - 200 йил « » оралиғида
Давлат аттестация комиссиялари түғрисидаги меъёрий ҳужжатлар ва
бити्रувчиларнинг ўқув режасини бажарганлиги ҳамда ҳимояга киритилганлиги
хақида факультети Фармойишлари асосида олиб борди.

3. Ҳимоя натижалари қуидаги жадвалда келтирилган:

Ўқиши шакли	Ҳимояга киритил ди	Ҳимо я қилд и	Жумладан				Имтиёзл и диплом	Тавси я лар берил ди	Изоҳ
			Аъло и	Яхш и	Қониқар ли	Қониқарс из			
Кун- дузги									

4. ДАК хulosалари:

4.1. Мутахассислар – тайёрлашнинг умумий баҳоси _____

4.2. Битириув малакавий ишлар мавзуларининг долзарбилиги _____

4.3. Ҳимояга сифатли тайёрлаган кафедралар ва раҳбарлар _____

4.4. Малакавий (диссертация) ишларининг Давлат таълим стандартлари талабларига мослиги _____

4.5. Тақризлар _____

4.6. Раҳбарларнинг мулоҳазалари _____

4.7. Тушунтириш ёзмалари ва иллюстрациялар (схемалар, жадваллар ва ҳ.к.)

4.8. ДАКнинг ташкили

4.9.

Таклифлари

Имзолар:

- раис

- котиб (а)

5. Давлат аттестация комиссиясининг иши бўйича факультет фикрлари

Факультет декани _____ 200__ й. «____» _____

Ушбу ҳисобот тўлдириш тартиби:

1. Йўналиш номи ёзилади.
2. Жорий йил кўрсатилади.
3. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Тошкент ахборот технологиялари университети давлат аттестация комиссияси тўғрисидаги қарорлари санаси ва номерлари келтирилади.
4. Давлат аттестация комиссияси таркиби келтирилади.
5. Давлат аттестация комиссияси ўз ишини бошлаган ва тугатган вақти кўрсатилади.
6. Факультет номи киритилади.
7. Ҳимоя натижалари бериладиган жадвал тўлдирилади.
8. Мутахассислар – тайёрлашнинг умумий баҳо берилади.
9. Битирув малакавий ишлар мавзуларининг долзарблиқ даражаси ёзилади.
10. Ҳимояга сифатли тайёрлаган кафедралар ва раҳбарлар ҳақида маълумот берилади.
11. Малакавий ишларининг Давлат таълим стандартлари талабларига мослиги кўрсатилади.
12. Тақризлар ва Раҳбарларнинг мулоҳазалари ёзилиш даражасига баҳо берилади.
13. Тушунтириш ёзмалари ва иллюстрациялар (схемалар, жадваллар ва х.к.) келтирилганлиги ҳақида маълумот берилади.
14. Давлат аттестация комиссиясининг ташкили келтирилади.
15. Давлат аттестация комиссиясининг таклифлари келтирилади.
16. Давлат аттестация комиссияси раиси ва котиби томонидан имзолар қўйилади.
17. Давлат аттестация комиссиясининг иши бўйича факультет фикрлари ёзилади.

18. Факультет декани томонидан Давлат аттестация комиссияси хисоботини қабул қилинганлигини тасдиқловчи имзо ва сана қўйилади ва муҳр босилади

1.2. Давлат аттестацияси комиссияси баённомаси

Ишнинг ҳимояси деканат томонидан тасдиқланган муддатда бўлиб ўтади. Талабанинг бунгача қачон, қайси муддат ҳимояси аниқланган бўлиши керак.

Ҳимоя очик бўлиб, унга Давлат аттестация комиссияси аъзоларидан ташқари барча хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Ҳимояга талабанинг раҳбари ва рецензенти ҳамда юқори курс талabalari ва профессор-ўқитувчилар таклиф этиладилар.

Давлат аттестация комиссиясининг мажлиси мазкур мажлисда ҳимоя қиласиган талabalар рўйхатини эълон қилишдан бошланади. Давлат аттестация комиссияси раиси ҳимоя бўйича мажлис ишини регламентини ўрнатишдан бошлайди, кейин навбат бўйича талabalар ҳимояга таклиф этиладилар. Ҳимоя қиласиган талабанинг фамилияси, исми-шарифи ва унинг ишининг мавзуси, раҳбарининг исми-шарифи ва унинг мансаби ўқиб эшиттирилади.

Талабага унинг ишини асосий маъносини айтиб бериш учун 10-15 минут вақт берилади. Талабанинг ҳоҳиши ва Давлат аттестация комиссияси рухсати бўйича у чет тилида ҳам ҳимоя қилиш мумкин.

Ҳимоя учун тайёрланган барча материаллар аниқ бир ўлчамда уни тушуниш учун қулай шаклда аниқ ва равshan кўринишида тайёрланган бўлиши керак. Графиклар, жадваллар, схемалар слайд эҳтиёткорлик билан тайёрланган бўлиши лозим.

Ишнинг маъноси айтиб бўлингандан сўнг Давлат аттестация комиссияси аъзоларидан ташқари мажлисда барча қатнашувчилар талабага

савол беришлари мумкин. Савол-жавоб тугагандан сўнг талабанинг илмий раҳбарига сўз берилади (агар у қатнашаётган бўлса).

Агар раҳбар қатнашмаётган бўлса, у ҳолда унинг тақризи Давлат аттестация комиссияси раиси ёки илмий котиби томонидан ўқиб эшиттирилади.

Сўнгра рецензентга сўз берилади. Агар у қатнашмаётган бўлса, унда уни тақризи юқорида кўрсатилган тартибда ўқиб эшиттирилади.

Кейин эса сўз рецензент томонидан кўрсатилган ишнинг камчиликлари бўйича фикрларига жавоб беради.

Бундан кейин Давлат аттестация комиссияси раиси унинг аъзолари (ва рецензентдан) талабанинг жавобини қониқарли эканлигини аниқлаштиради ва иш бўйича қатнашчилар фикрларини билдиришларини сўрайди.

Давлат аттестация комиссияси котиби мажлис вақида баённома ёзиг боради, унда мажлис қачон бошланди, қачон ҳимоя тугади, қандай саволлар берилди ва ҳ.к. акс эттирилган бўлиши керак.

Барча талабалар ҳимоя қилиб бўлганларидан сўнг Давлат аттестация комиссияси ҳимоя қилинган ишларни баҳолаш уларга бакалаврлик даражаси ва дипломлар бериш бўйича мазкур ёпиқ мажлисда аниқлайди. Баҳолашда талабанинг назорат ва амалий тайёргарлик даражаси, ишнинг сифати ва уни расмийлаштирилиши ҳамда қандай ҳимоя қилганлиги ҳисобга олинади.

Ёпиқ мажлисда Давлат аттестация комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг ҳимоя қилинган талабаларга бакалавр даражасини олишлари учун 100 балли тизимда баҳосини қўяди. Фикрлашиб бўлингандан сўнг охирги баҳо қўйилади. Керак бўлса овозга қўйишнинг очиқ усули қўлланиши ҳам мумкин.

Мазкур мажлисда энг яхши ишлар бўйича Давлат аттестация комиссияси ўзини қарорини қабул қиласди. Бу қарор яхши ишларни илмий нашрларга чоп этишга, ишлаб чиқаришга татбиқ этишга, конкурсларда қатнашишларга тавсия ёки магистратура ёки аспирантурага йўлланмалар беришдан иборат бўлади.

Агар ҳимоя қилинган иш комиссия томонидан қониқарсиз баҳо олган бўлса, ишни қайта ишлаб талаба ҳимоя қила олиши комиссия томонидан янги мавзу олиб уни белгиланган муддатда ҳимоя қилиш эса кафедра томонидан аниқланади.

Ҳимоя қила олмаган талаба университетни тугатгандан сўнг 3 йил вақт оралиғида ҳимоя қилиши мумкин.

Мажлис тугагандан сўнг Давлат аттестация комиссияси котиби баённомаларда рейтинг дафтарчасида талabalар баҳоларини расмийлаштиради, керакли йўналиш ёки мутахассислик бўйича диплом берилиши рейтинг дафтарчага ёзди. Баённома ва рейтинг дафтарчаларига барча комиссия аъзолари имзо қўядилар.

Расмийлаштириш ишлари тугагандан сўнг аудиторияга ҳимоя қилган талabalар ва барча қатнашчилар таклиф этиладилар. Давлат аттестация комиссияси раиси ҳимоя қиласигларни баҳоларини ўқиб эшилтиради ва мазкур мутахассислик ёки йўналиш бўйича академик даража берилиши бўйича комиссия қарорини эълон қиласи.

Бундан сўнг комиссия раиси битирувчиларни университетни тугатганликлари билан табриклайди.

Ишни мувафақиятли ҳимоя қилган талabalар 3 кун вақт оралиғида университетни битирганликлари сабабли университетдан четлаштириладилар.

Диплом бериш кейинроқ яъни, уларни расмийлаштириш тугагандан амалга оширилади.

Битирув малакавий иши ҳимоялари бошлангандан сўнг, ҳар куни ҳар бир талаба учун Давлат аттестацияси комиссияси баённомаси тузилади.

Унинг кўриниши қўйидагicha:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

(йўналиш, мутахассислик) номи

якуний Давлат аттестация комиссияси мажлисининг

_____ - сонли Б А Ё Н И

Тошкент ш.

20____й. «_____»_____

Битирувчи_____нинг

_____ мавзусида битирав малакавий (диссертация)
ишини ҳимоясига қўйидагилар қатнашди;

_____ - раис _____

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ (ДИССЕРТАЦИЯ) ИШИ:

Раҳбари_____

Маслаҳатчилар_____

ДАҚ га қўйидаги ҳужжатлар топширилди:

1. Битирувчининг ўқув режаси бажарилганлиги ва ҳимояга киритилганлиги
хақида _____ факультетнинг 20____йил «_____»_____ - сонли фармойиши

2. Тушунтириш ёзуви _____ бетда

3. Ишга тааллукли чизмалар_____

4. Раҳбарнинг мулоҳазаси_____

Тақриз_____

Химоядан сўнг битиравчига берилган саволлар:

ДАК ҚАРОРИ

1. Битиравчи _____ битирав малакавий
(диссертация) ишини бажарди ва _____ баллга (_____ - баҳога) ҳимоя қилди,
деб ҳисоблансин.

2.

га
таълим йўналиши бўйича
бакалавр (магистр) даражаси берилсин.

3. _____ диплом берилсин
(имтиёзли, оддий)

4. Белгилаб қўйилсинки, _____

5. ДАК нинг алоҳида фикри _____

ДАК АЪЗОЛАРИ ИМЗОСИ:

Раис _____

Аъзолар _____

Котиб _____
20 ____ йил « ____ » _____

Ушбу баённомани тўлдириш тартиби қуидагича:

1. Ўёналиш номи келтирилади.
2. Якуний Давлат аттестация комиссияси мажлисининг баённомасининг номери аниқланади.
3. Ҳимоя ўтаётган кун санаси ёзилади.
4. Битиувчининг фамилияси исми-шарифи тўлиқ ёзилади.
5. Битиувчининг университет томонидан тасдикланган битиув малакавий иши мавзуси ёзилади.
6. Давлат аттестация комиссияси таркиби келтирилади.
7. Битиувчининг раҳбари ва унга маслаҳат берган профессор-ўқитувчилар кўрсатилади.
8. Давлат аттестацияси комиссиясига топширилган хужжатлар кўрсатилади.
9. Битиувчига берилган саволлар рўйхати келтирилади.
10. Давлат аттестация комиссияси қарори шакллантирилади.
11. Битиувчига қўйилган баҳо ва балл кўрсатилади.
12. Битиувчи оладиган оладиган диплом даражаси, имтиёзли ёки оддий, кўрсатилади.
13. Давлат аттестация комиссиясининг алоҳида фикри ёзилади.
14. Сўнггида Давлат аттестация комиссияси раиси, аъзолари ва котибини имзолари қўйилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маъruzалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта,

номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалashi лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмга графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий кўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушунтириш қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Тушунтириш қисми камидан 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варак ҳажмида) қаламда бажарилади ёки техника воситалари орқали экранда кўрсатилади. Архитектура йўналишидаги чизмаларга қўйиладиган талаблар мувофиқ ўқув-услубий бирлашмалар (ассоциациялар) томонидан белгиланади.

Ишнинг ҳар бир нусхаси унинг муаллифи томонидан 2 марта имзоланади: титул варагида ва ишнинг топшириқ бўлимида.

Келтирилган маълумотлар ва чиқарилган хulosаларга шахсан муаллиф жавоб беради.

Ишнинг раҳбари ишни кўриб чиқиб уни маъқуллагандан сўнг унинг титул варагига имзо чекади. Агар иш раҳбарга маъқул бўлмаса, бу тўғрисидаги ўзининг асосланган хulosаси бўйича кафедра мудирига ўзининг тақризи билан ёзма равишда мурожаат қиласди.

ДАҚ га бундан ташқари ишнинг илмий ва амалий аҳамиятини тасдиқловчи бошқа материаллар ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ишга рецензент кафедра томонидан тайинланади ва рецензент одатда бошқа ташкилотдан (Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиси, илмий-тадқиқот институтининг ходими ёки йўналишга мос келадиган фирмалар ва ташкилотлари ишлаб чиқариш конхоналари, бошқарув аппаратининг етакчи

мутахассислари) ёки мазкур илмий ўкув юртидаги бошқа кафедраларнинг профессор-ўқитувчиларидан тайинланади.

Ишга рецензия рецензент ишлаётган жойнинг муҳри билан тасдиқланади.

Рецензияда қуидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

- Олингандаги натижаларни оригиналлиги;
- Ишдаги камчиликлар, грамматик хатолар (агар улар мавжуд бўлса), математик (муҳандислик) саводи;
- Ишнинг сифатли ёзилганлиги тайёргарлиги, тушунарли равон тилда расмийлаштирилиши;
- Битирув малакавий ишлар талабларига жавоб бериши;
- 100 баллик тизимда ишнинг баҳоси (битирув малакавий ишлар учун), (магистрлик диссертацияси учун эса лойиқлиги).

Кафедра мудири томонидан ҳар бир ишнинг титул варагига ҳимояга рухсат берилганлиги санасини қўрсатиб, имзо чекилади.

Талабанинг ишига рухсат берилиши кафедра мажлисида, дастлабки ҳимоядан ўтгандан сўнг рухсат этилади. Дастлабки ҳимояда талаба олингандаги натижалар тўғрисида ўрнатилган тартибда, ишнинг мақсади ва вазифалари долзарблиги, илмий-амалий аҳамияти ва олингандаги натижалар бўйича кафедра аъзолари олдида ҳисбот беради.

Сўнгра иш кафедрада муҳокама этилиб, уни ҳимоя қилишга рухсат этилади ва ДАҚ да чиқишининг режаси бўйича тавсия берилади. Бу мажлисда талабанинг раҳбарини қатнашиши мақсадга мувофиқ.

Агар иш раҳбари ишга норози фикри бўлса, уни асослаган ҳолда тақриз ёзиб кафедра мудирига тақдим этади.

Агар ишга рецензент томонидан қониқарсиз тақриз берилган бўлса, унда ишнинг илмий раҳбари ва рецензент иштирокида кафедра мажлисида кўриб чиқилади ва хulosага келинади.

Талабани ҳимояга рухсат этилмаслик тўғрисидаги кафедра қарори деканат орқали ректор тасдиқига тақдим этилади.

Талабанинг ишини ўз вақтида кўрсатилган муддатда тайёр бўлмаслигига факат объектив сабабларгина ҳисобга олиш мумкин. Бу сабаблар ҳам ўз вақтида керакли хужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Ҳимояга қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

1. Рейтинг дафтарчаси.
2. Рейтинг давтарчасидан кўчирма (кафедра тайёрлайди).
3. Талабанинг ўқув карточкаси(деканат тайёрлайди).
4. Талаба маълумотномаси.
5. Паспорт ксерокопияси.
6. Якуний давлат аттестацииси бўйича баённомалар (деканат тайёрлайди).
7. Тўлиқ расмийлаштирилган ва муқоваланган (переплет қилинган) диплом иши(переплет – пружинали, жилд - ҳаворанг)нинг титул варағи раҳбар, рецензент ва битирувчи томонидан имзо қўйилган бўлиши.
8. БМИни бажариш бўйича топширик(вазифа) бланкасини тўлдирилгани титул варағидан сўнг тикилади
9. Ташқи ва ички рецензентлар муҳрланган тақризлари БМИнинг аннотациясидан сўнг ишнинг ичига тикилади.
10. Раҳбар мулоҳазаси(ишни ичига қўйилади).
11. Дастлабки химоя баённомаси.
12. Яратилган дастурий воситалар электрон кўринишда кафедрада белгиланган жавобгар шахсга топширилади.
13. Дастурий восита топширилгашлиги хақида маълумотнома.
14. Электрон кўринишдаги презентация.
15. Презентацияга мос келувчи материалнинг чоп қилинган нусхаси

1.3. Масаланинг қўйилиши

Масаланинг қўйилиши: Давлат аттестация комиссияси ҳисоботи ва баённомасини шакллантирувчи дастурини ишлаб чиқиш.


Ушбу дастур Битиув малакавий ишларининг ҳимояси пайтида ҳар бир талабага хосил қилинадиган баённомаларни ва ўқув бўлимига топшириладиган кунлик ҳисоботни ва якуний Давлат аттестация комиссияси ҳисоботини хосил қилиб бериши даркор. Унинг экран кўринишлари PHP дастурлаш тилида шакллантирилади ва барча маълумотлар MySQL маълумотлар базасида ташкил қилинган жадвалларда сақланади.

2. ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ ВА БАЁННОМАСИННИ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР

2.1. PHP дастурлаш тили

PHP аббревиатурасини ёйиб чиқадиган бўлсак Personal Home Page яъни шахсий уй сайт деган маънони беради. PHP тили яратилишида иштирок этган дастурчилар аввало бу тилнинг имкониятларини бажариладиган ва бажарилиши керак бўлган вазифага караб кенгайтиришга харакат килишган. Чунки Ҳозирги кунда Интернет ва унинг атрофида бажариладиган хар кандай дастурлар жуда катта рақобатга бардош бера олиши керак. Бу тил устида ишлаган дастурчилар ҳам аввало шунга этиборларини каратишган.

PHP тили WEB сахифаларда HTML тилида тузилган сайтларни қайта ишлашда ишлатилади. Масалан, сайтда Ҳозирги вакт канча одам фойдаланмокда, бирор тижорат сайти бўлса администратор ёки сотувчи билан мулокотни ташкил этишда, маълумотлар базаси (MySQL) билан боғланиб барча маълумотларни кулай ва самарали ишлатилади. PHP нинг энг катта ютуғи бу - маълумотлар базаси билан боғлана олишидир. Бу PHP ни кенг фойдаланилиши учун замин яратди. PHP ни ilk бор машхур дастурчи Ласмус Лердорф сервер томондан дастурлаш учун ишлаб чиқган. Бошқа дастурларга нисбатан тез ва самарали ишлагани учун 1994 йил Янги тил PHP дунёга келди. Бу тил устида ишлаганлар аввало тармоқдаги жуда катта маълумот алмашишини хисобга олган холда яратишга харакат килишди. Шунинг учун ҳам СўЛ сўровлар билан боғланиб тез маълумот топиш ва уни қайта ишлаш имкониятини оширишди. MySQL асосан маълумотларни жадвал кўринишида сакловчи омбор бўлиб, PHP тили ёрдамида бу маълумотларга мурожаат амалга оширилади.



Хар бир сайт ёки хостингда бир неча маълумотлар базаси бўлиши мумкин. Хар бир база маълум бир турдаги маълумотларни ўзида саклади. Шу базалар билан PHP ордамида боғланиш хосил килинади. Энг аввало MYSQL сервер дастурини компьютерга ўрнатиш лозим бўлади. Бунда Денвер дастурида серверни ишга тушириш, қайта ишга тушириш ва тўхтатиш буйруклари оркали сервер бошқарилади.




PHP нинг афзаликлари

- PHP script тил бўлиб HTML тилида ёзилган дастур орасига киритилади ва серверда бажарилади.
- Ўзининг алоҳида очувчи ва ёпувчи (<?php ва ?>) белгиларига эга бўлиб, HTML документ ичидаги ҳоҳлаган жойда ишлатиш мумкин.
- Бошқа тиллардан фарқли ўларок серверда бажарилади ва фойдаланувчига тайёр холда маълумот етказилади.

- Маълумотлар базаси билан боғлана олиши ва маълумотни сезиларли осонлаштириши.
- Дастур кодини ва файллар сонининг кескин камайиши.
- Одатий сўзлашув тилига яқинлиги ва урганишнинг осонлиги.

HTML PHP ва Mysql тилларининг биргаликда ишлаш тамойили HTML бу WEB сахифа яратувчи асосий тил бўлса PHP шу сахифада барча харакатларни бошқариш ва ўнга кўшимча имкониятлар яратиб беради. MYSQL эса PHP билан боғланиб сахифадаги маълумотларни ўзида саклади 1- расмда бу тилларнинг ўзаро боғланиш схемаси кўрсатилган.



Бу схемадан кўриниб турибдики HTML хужжат асосий хужжат хисобланади ва унга безак бериш ёки маълумотлар билан боғлик ишларни CSS ва PHP+MySQL хужжат бажаради. CSS ва HTML хужжатларининг боғланиши натижасида сахифа дизайнни ўзгаради. HTML ва PHP

хужжатларининг боғланиши билан маълумотлар базаси билан боғланиш амалга ошади.

2.2. MySQL маълумотлар базаси

SQL (Structured Query Language, одатда "сиквел" дейилади) маъноси Таркибланган сўровлар тили. Бу реляцион маълумотлар базаларида ишлашга имкон берадиган тилдир. Бу тил ифодаларининг ҳусусияти шундан иборатки улар маълумотларни қайта ишлаш процедураларига эмас натижаларига йўналтирилгандир. SQL ўзи маълумотлар қаерда жойлашгани, қандай индекслар ва ҳатто амалларнинг энг эффектив кетма кетлигини қўллаш кераклигини аниқлайди; бу деталларни маълумотлар базасига сўровларда кўрсатиш керак эмас.

Икки хил SQL мавжуд: **Интерактив** ва **Жойлаштирилган**. Кўп холларда иккала форма бир хил ишлайди, лекин икки хил фойдаланилади:

Интерактив SQL маълумотлар базаси ўзида фаолият кўрсатади ва буюртмачи фойдаланиши учун чиқиш хосил қилиш учун ишлатилади. SQL бу формасида, сиз команда киритсангиз, у даров бажарилади, ва сиз дархол натижани(агар у мавжуд бўлса) кўришингиз мумкин.

Жойлаштирилган SQL бошқа тилда яратилган дастурга жойлаштирилган SQL командалардан иборат.

SQL Интерактив ва жойлаштирилган формаларида кўп сонли гурухлар ёки суббўлимлар мавжуд. Улар ANSI томонидан эътиборга олинган ва концептуал даражада фойдали, лекин кўпчилик SQL дастурлар уларни алоҳида қайта ишламайди, шунинг учун улар аслида SQL командаларининг функционал категорияларидир.

- **DDL** (Маълумотларни Таърифлаш Тили) - ANSI да Схемани таърифлаш тили, обьектларни(жадваллар, индекслар, тасавурлар ва хоказо) яратувчи командалардан иборат.

- **DML** (Маълумотларни Ўзгартириш Тили) - бу ихтиёрий дақиқада жадвалларда қандай қийматлар сақланишини аниқловчи командалар мажмуасидир.

- **DCD** (Маълумотларни Бошқариш Тили) фойдаланувчига маълум объектлар устида маълум таъсир ўтказишга рухсат бериш ёки бермасликни аниқловчи воситалардан иборат.

SQL Стандарти ANSI томонидан аниқланган ва ҳозирда ISO томонидан қабул қилинган. Лекин коммерциал маълумотлар базалари дастурлари ANSI ни огохлантирмасдан SQL ни кенгайтирадилар, яъни фойдали ҳисоблаган ҳар хил хоссалар қўшадилар.

Маълумот турлари

SQL тилида қўйидаги асосий маълумотлар турлари ишлатилиб, уларнинг форматлари ҳар хил МББТ лар учун фарқ қилиши мумкин:

INTEGER	- бутун сон (одатда 10 тагача қийматли рақам ва ишора).
SMALLINT	- "қисқа бутун" (одатда 5 тагача қийматли рақам ва ишора).
DECIMAL(p,q)	- ўнли сон, p рақам ва ишорадан иборат ($0 < p < 16$). Ўнли нуқтадан сўнг рақамлар сони q орқали берилади ($q < p$, агар $q = 0$ бўлса, ташлаб юборилиши мумкин).
FLOAT	- ҳақиқий сон 15 та қийматли рақам ва бутун даражадан иборат. Даража МББТ типи билан аниқланади (масалан, 75 ёки 307).
CHAR(n)	- узунлиги ўзгармас, n га teng бўлган символли қатор ($0 < n < 256$).
VARCHAR(n)	- узунлиги ўзгарувчи, n символдан ошмаган символли қатор ($n > 0$ ва ҳар хил МББТ ларда ҳар хил лекин 4096 дан кам эмас).
DATE	- маҳсус команда орқали аниқланувчи форматдаги сана; сана майдонлари бизнинг эрамиздан олдин бир неча

минг йилликлардан бошланувчи ва бизнинг эрамиз бешинчи-ўнинчи минг йиллиги билан чекланган ҳақиқий саналарни ўз ичига олиши мумкин.

TIME	- маҳсус команда орқали аниқланувчи форматдаги вақт (кўзда тутилган бўйича hh.mm.ss).
DATETIME	- сана ва вақт комбинацияси.
MONEY	- маҳсус команда орқали аниқланувчи форматдаги пул.

Жадвалларни яратиш

Жадваллар CREATE TABLE командаси билан яратилади. Бу команда қаторларсиз бўш жадвал яратади. CREATE TABLE командаси жадвал номини ва жадвал ўзини маълум тартибда кўрсатилган устунлар номлари кетма-кетлиги таърифи кўринишида аниқлайди. У маълумотлар турлари ва устунлар ўлчовини аниқлайди.

